



ИШОНЧ

14

1993 йил
3-9
апрель
(107)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

● НАВРЎЗ — ўйин-кулгиси, дастурхонлар тўла ноз-неъмат билан гўзал. Наврўз коса тўла қуёш нури болқиб турган сумалаги, ликопчаларга тузалган бўғирсок, қуштилиси, коғурма чучвараси, мева-чеваси, ширинликлари билан кишиларнинг юзидаги ёрқинлик, лабларидаги табассумлари билан гўзал.

Бу йилги Наврўз ана шундай бекиёс, мунавварлиги, ҳислат, ҳосиятли ўтаётганлигидан диллар хушнуд, кўнглилар баҳор янглиғ. Ҳозирги кунларда Республикаимизнинг ҳар бир муассаса, ишлаб чиқариш корхонасига кирманг, Наврўз тантанаси завқ-шавқ билан давом этаётганига гувоҳ бўласиз. Қуни кеча Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳовлисида уюштирилган Наврўз тантанаси ҳам мазкур муассаса жамоасини ниҳоятла мамнун этди. Оппок дастурхонлар тўқин-сочин, коса-коса сумалаклар, кўк сомсалар, кўк чучвара, варақилар иштаҳа очади. Бирин-кетин сўзга чиққан касабаси уюшмаси фахрийси Саидкарим Қосимхўжаев, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг муовини Муҳайё Тўлагановалар бошлаб берган табрик сўзларидан сўнг қутлов устига қутлов ёғилди. Хушовоз хонандалар, ажойиб раққосаларнинг санъатидан диллар яйради. Илоҳим, ҳар кунимиз ана шундай шодлик билан ўтсин.

Гулноза ЭРКАЕВА.

* * *

● ТОШКЕНТ шаҳрида манший хизмат соҳасида элга хизмат қилувчилар сўлиги 100 минг кишини ташкил этади. Улар 300га яқин корхона, ташкилот ва муассасани ишини тебратадилар. Шаҳар маҳаллий саноат, коммунал хўжалиги ва манший хизмат соҳибларининг «Наврўз» тантанаси учун Ҳамза номли академик драма театри улар ихтиёрига бериб қўйилди. Саҳнада ўйин-кулги билан бирга фахрийларни, илғорларни тақдирлаш, рағбатлантириш тадбирлари ҳам бўлди. Шаҳар тармоқ касабаси уюшмаси кўмитаси раиси А. Носиров соҳанинг илғор вакилларига фахрий ёрликлар, пул мукофотлари, эсдалик совғалари топшириб, байрам катнашчиларини «Наврўз» билан қутлади. Санъаткорлар «Наврўз» хизматида бўлиши.

● 27 МАРТ кун саҳарда Ўрта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳовлисида ош берилди. Ўйин-кулги авжида, бирлашма ишчилари фарзандларининг чизган расмлари кўргазмаси ҳам кўпчилик эътиборида бўлди. Байрам чиройли ва мазмунли ўтди.

● 2 АПРЕЛЬ кун соат 12 дан Тошкент кимё технология институтини Наврўзга бағишлаб дастурхон ёзди. Меҳмонлар ҳам мезбонлар ҳам беҳад хурсанд бўлишди.

● ТўПГА-ТўЙ уланса — бу яхшилик аломати, дейди ҳалқимиз. Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазирлиги «Мактабгача тарбия» журналининг ижодий тўйини Наврўз шодиёналарига улашиб кетди. Фарзанд тарбияси — Ватан истикболи, деганларидек, бу журнал ўз қиёшлари билан ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшаяпти. Ота-оналар, тарбиячилар, ёзувчи-шойрлар, санъаткорлар журнал ҳақидаги янги сўзларини, тилжларини айтдилар. Болалар боқичларининг ширинтойларини мезбон ва меҳмонларни кўшиқ, рақслари билан табриқладилар.

● БУГУН соат 13 да Яққасарой районидagi «Истикбол» маҳалласи аҳли Бобир боғидаги «Шаҳзод» чойхонасига шодиёнага йиғилишди. Бу шодиёна ҳам Наврўзга бағишлаб ўтказилапти. Сумалак билан бир қаторда меҳмонларга ва мезбонларга ош тортилади.

«ИШОНЧ» МУХБИРЛАРИ



— Бу кўйлақлар йиғитларга жуда ярашади, — дейди кўли гул тикувчи Лола Маҳкамova. Лолаҳон Урта Чирчиқ районидagi «Тўйтепа» ўзбек-турк кўшма корхонасида меҳнат қилади. Бу ерда чет элдан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида бир сменада уч минг дон эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бежирим, чиройли кўйлақлар тикишдан қўлларингиз сира толмасин.
А. ЗУФАРОВ (ЎЗА) сурати.

ҲАЁТБАХШ РЕЖАЛАР

СУРХОНДАРЁ вилояти касабаси уюшмалари кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» ҳамда «Ўзбекистон келажиги буюқ давлат» асарларида баён этилган нурафшон фикрлардан келиб чиқадиган йўналиш ва кўрсатмалар муносабати билан вилоят касабаси уюшмалари олдида турган галдаги вазифалар муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан кенгаш раиси Х. Шарофитдиновнинг маърузаси тингланди. Маърузачи ва муҳокамада катнашган нотиклар Президентимиз асарларида кўрсатилган энг муҳим вазифаларни ўз иш дастурларида қўллаш, уларни амалга оширишда касабаси уюшмалари фаоллигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов, вилоят ҳокими Х. Э. Бердиев нутқ сўзладилар.

ИНСОННИ АСРАМОҚ КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН касабаси уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош техник инспекторларининг йиғилиши бўлди. Унинг катнашчилари диққатини кейинги пайтларда ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, бахтсиз ҳодисалар кўпайиб бораётганлиги, хўжалик органлари билан касабаси уюшмалари кўмиталари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига кам эътибор берилётганлиги ўзига тортди.

Йиғилишда техник инспекторларининг ишлаб чиқаришдаги ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш, меҳнат кишини асраб авайлаш бўйича ўтган йил амалга оширилган ишлари батафсил таҳлил этилди ва бу йилги вазифалар аниқлаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов, касабаси уюшмалари халқаро бирлашмаси Умумий Конфедерацияси дошнинг комиссияси ишчи гуруҳи раҳбари Ю. Т. Сорокин нутқ сўзладилар.

«Ишонч» мухбири.

«БЕЗАМОҚ ЧОҒИДИР УМР ДАФТАРИН»

ЭНГ ЯХШИ ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАР УЧУН КОНКУРС-ТАНЛОВИ ҲАЙЪАТИНИНГ ҚАРОРИ

«Ишонч» газетасининг таҳририяти Ўзбекистон республикаси маҳаллий саноат, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига манший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси ҳомийлигида «Безамок чоғидир умр дафтари» мавзусида 1992 йилдаги энг яхши бадний публицистик асарлар учун конкурс-танлов эълон қилган эди.

Шу ўтган мuddат ичида таҳририятга газетхон, журналист, ёзувчи ва бошқа муаллифлардан йиғирмага яқин асар келиб тушди. Уларнинг аксарияти конкурс-танлови талабига мувофиқ инсон кадр-қиммати, ҳақнинг қарор топиши, бахтнинг барқарорлиги, хивини мусофоллиги, энг порлоқ туйғуларнинг туйғунлиги ва эркиннинг мустақиллиги мавзусида ёзилган. Асарларнинг таҳририят ходимларига маъқул тушган йиғма яқини газета саҳифаларида эълон қилинди.

Танлов комиссияси хайъати уларни синчковлик билан ўқиб, ўрганиб танловдан ўтказди. Замонавий ва долзарб мавзусининг аҳамиятлилиги, юксак савияда ёзилганлигини назарга олиб комиссия хайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Юқориди зикр этилган конкурс-танлов талабларига мувофиқ алоҳида эътиборга лойиқ деб сараланган ва юқори баҳоланган асарлар муаллифлари учун мукофотлар даражаси қуйидагича белгиланди:

БИРИНЧИ МУКОФОТ:

Тўлкин МУҲИДДИНга — «Зиёрат», «Истиклол», «Афғонистон» публицистик туркум мақолалари учун (1992 йил 1 сентябрь, 35-сон);

ИККИНЧИ МУКОФОТ (иккига бўлиб):

1. Эътибор ОХУНОВАга — «Инсон азиз эди» публицистик мақоласи учун


(1992 йил 28 ноябрь, 43-сон);

2. Қодиржон СОБИРОВга — «Орден сотилмайди, болам» публицистик мақоласи учун (1992 йил 28 сентябрь, 39-сон);

УЧИНЧИ МУКОФОТ:

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВга — «Сўздан сўзнинг фарқи бор», «Яхшидан ном қолади» публицистик мақолалари учун (1992 йил 10 август ва 14 сентябрь, 44 ва 37-сонлар).

Конкурс-танлов комиссияси хайъати аъзолари, Ўзбекистон республикаси маҳаллий саноат, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига манший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси, «Ишонч» газетасининг таҳририяти барча газетхонлар номидан конкурс-танлов ғолибларини чин дилдан табриқлайди ва уларнинг ижодий фаолиятларида муваффақиятлар тилайди.



ЁШЛАР ҲИМОЯСИ ЭЪТИБОРДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ бозор иқтисодиётига ўтаётган шароит ҳозиргида ёшларни ижтимоий ҳимоялаш муаммолари бўйича касба уюшмалари фаолларининг. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан қақрилган семинарида тармоқ касба уюшмалари Марказий Қўмиталарининг раҳбарлари, республика меҳнат, олий ва ўрта махсус таълим, ижтимоий таъминот вазирликларининг, Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг, талабалар жамғармасининг вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Уни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раиси Б. А. Алламуродов кириш нутқи билан очди. Уч кун давом этган амалий машғулотларни, қатнашчиларнинг давра суҳбатини Федерация кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова олиб борди. Семинарда Ўзбекистон Республикасида ёшларга

доир давлат сиёсатининг йўналишлари, ишловчи ёшларнинг ижтимоий ҳимояси ва ҳуқуқий кафолатлари, улар учун янги меҳнат турларини такомиллаштириш, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук инсон қилиб тарбиялаш, талаба ва ўқувчи ёшларга ижтимоий сиёсатнинг муносабати хусусидаги масалалар муҳокама қилинди. Бу масалалар юзасидан олимларнинг, мутахассисларнинг, ишбилармонларнинг, касба уюшма фаолларининг чиқишлари тингланди. Ижтимоий ҳимояга оид тажрибалар ўртоқлашилди.

Семинар иштирокчилари ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир тақлифлар мажмуидан иборат дастур лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

Тожибой АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: семинар машғулотларида.
А. МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

— Касба уюшма аъзолигига қабул қилинганимга 50 йилдан ошди — дейди Файбулла ака. У пайтда собиқ СССР ҳудудида уруш кетарди. Қишлоқдаги барча юмушлар хотин-хўлажлар ва биз каби ёш-яланглар, қариқарангларга қолган эди. Шу сабабдан 1942 йилда 7-синфни битиргач бошланғич синфларда ўқитувчилик қилдим. Дастхатим чиройли эди. Шунинг учун бўлса керак 1943 йил сентябрдан Бахмал районидаги 1-ўрта мактабга котиб этиб тайинландим. Дарҳақиқат, Файбулла Тўраевич Жўлбековнинг ёшлик йиллари уруш даҳшати ва уруш келтириб чиқарган қийинчиликларни бартараф этиш даврига тўғри келди. Шу сабабдан бугун мактабга борса, эртасига ишга отланарди. Уйма-уй юриб фронтга сариёғ, курут, кунжут, буғдой, маккажўхори,

почта ва алоқа соҳаси билан чамбарчас боғланиб кетади. Янги вазифада 8 йил ишлагач, 1964 йили Ғаллаорол район алоқа тармоқлари бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилади. Роппаларга ўн йил ишлайди. Файбулла аканинг ташкилотчилик, ишбилармонлик қобилияти ана шу пайтда намоён бўлади. Район марказида, хўжаликларда хонадонларни радиоллаштириш, телефонлаштириш авж олади. Қишлоқларда ўнлаб алоқа бўлимлари очилади. Меҳнатқашларнинг хат-хабарларини, турли почта жўнатмаларини, газета ва журналларини тарқатиш яхшиланади. Кейинчалик Файбулла Тўраевич Жиззах вилояти алоқа бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлади. Вилоят аҳолисига почта ва алоқа хизмати кўрса-

БИЛИМДОНЛИК СЕМИНАРЛАРИ

Касба уюшмалари ҳақида бугун лоқайд гапирмай қўйдилар. Оғир-енгил кунларда халқнинг чинакам дўстига, ғамхўр фикрдошига айлана боришнинг натижаси бу. Ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатланган касба уюшмасининг ходимлари ҳам мустақил фикрли, билимдон, журъатли бўлмоғи зарур бугун. Бунинг учун эса изланиш, ўрганиш, малака ошириш керак.

Андижон вилояти касба уюшмалари бирлашмаси шу ниятда ҳар бир тармоқ ходимларининг билимдонлик семинарларини ўтказаяпти.

— Бу семинарлар аввалги малака ошириш курсларидан тубдан фарқ қилади, — дейди бирлашма раиси М. Ғ. Музаффарова. — Курсларда ходимнинг маоши сақланган ҳолда бир ой ишдан озод этилиб, ўқишга жалб қилинади. Шунингдек бирлашма бу ўқув муаллимларига ҳам махсус маблағ ажратди. Бугунги иқтисодий тараф кунлар бу молиявий харажатларни кўтара олмаслиги аниқ. Лекин халққа суянч тоғ бўлман деган кўмита ходимларининг фикрлаш савияси, билим даражасини мунтазам ошириб

бориш ҳам жуда зарур. Биз ўтказаятган семинарларда ҳозирча олти мавзуда маърузалар ўқилаяпти. Маърузачилар асосан ўз ихтиёридаги мутахассислардан танланди. Муҳими, ҳар бир тармоқ бўйича бу бир кунлик ўқувлар мунтазам ўтказилиб борилади. Ҳозирча самара ёмон эмас. Савол-жавоблар, кизгин мунозаралар билан ўтяпти ҳар бир маъруза.

Кунни кеча Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган енгил саноат ходимлари касба уюшмаси вилоят кўмитасига қарашли бошланғич касба уюшма кўмита раислари ва раис ўринбосарлари семинарида «Меҳнат кунлари», «Касаллик варақаларини тўлдириш ва бериш», «Меҳнат муҳофазаси», нафақалар тўғрисидаги маърузалар жуда кизгин ўтди. Семинар иштирокчилари ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари ва раҳбарияти хузурда ҳам бўлдилар. Бирлашмадаги касба уюшмаси олиб бораётган ишлар билан танишиб, тажриба алмашдилар.

Замира РЎЗИЕВА,
«Ишонч» мухбири.

СЕРМАЗМУН УМР

жун, кўлқоп йиғарди. Уша «Улпон тўплаш» кунларидан бирида қайсидир оила фронт учун 200 килограмм макка дони бергани ҳамон эсида. Хонадонларда буғдой етишмасди. Одамлар зоғора нон ейишарди. Мактабда ҳам ишлаб, ҳам ўқиётган ўқувчиларга зоғора ундан атала пишириб бериларди.

Бу даврда ҳамма жойда ишчи кучи у ёқда турсин, бу ташкилотни бошқарадиган кадрлар ҳам етишмасди. Етти йиллик маълумотга эга бўлган ёш Файбулла гоҳ мактабга ўқитувчи, гоҳ район халқ судига котиб, гоҳ прокурорлик хизматини этиб тайинлайарди. 1946 йилдан бошлаб Қорақишлоқ (ҳозирги Бахмал) районининг физкультура ва спорт кўмитаси раислигида ишлайди. Шундан сўнг Совет Армияси сафига хизмат учун қақаришади. Ҳарбий хизмат пайтида радиоалоқачи ва телеграфчилик вазифаларини бажаради. Ҳарбий қисмлардаги курсларда шу касб бўйича ўқиб-ўрганди. Касб сирларини пишиқ-пухта ўзлаштириб олади. Натижада унга иккинчи тоифа радио-телеграфчи деган гувоҳнома берилади. Сержант ҳарбий даражасига эришади. 1952 йилда Совет Армияси сафидан зоҳирага бўшатилгач, Қорақишлоқ районига келиб физкультура ва спорт ҳамда касба уюшма кўмиталарида раис бўлиб ишлайди.

Файбулла аканинг 1956 йилдан кейинги ҳаёти, бугун меҳнат фаолияти

тишни яхшилашга салмоқли ҳисса қўшди. Шундан сўнг Файбулла Тўраёғли Жиззах шаҳар Ғаллаорол район, алоқа тармоқлари бўлимларини бошқарди.

Файбулла акани раҳбарият қаерга, қайси вазифага йўлламасин бажонидил қабул қилиб, ўша иш тутумини маҳкам ушларди. «Аълочи алоқачи»

кўкрак нишони Файбулло аканинг почта ва алоқа соҳасидаги 38 йиллик меҳнатини ифодаловчи рамзидир.

Файбулла ака юзлаб алоқа ходимларининг устози бўлиш билан бирга

уч нафар фарзанднинг отаси, 9 нафар неваранинг суюкли бобоси ҳамдир. Фарзандларининг бири шофёр, бири курувчи, бири олий маълумотли алоқачидир.

Касбдошлари Файбулла акани 1988 йилда фахрийликка кузатишган эди. Аммо шоғирдлар устозларисиз ишлай олмасликларини сезиб, дарҳол операторлик, ҳисобчилик вазифасини бажаришни таклиф қилишди.

...Биз касба уюшманинг кекса аъзоси, тажрибали алоқачи, кўпларнинг Устози Файбулла Тўраевич Жўлбековга мустақкам соғлик, бундан кейинги ишларига муваффақият тилаймиз.

Алибой ЭРҒАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАЛАБАЛАР ЖАМҒАРМАСИ: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Талабалар жамғармаси ташкил тоганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин у дастлабки дадил қадамларни қўймоқда. Бу ҳақда жамғарманинг социал маркетинг маркази бошқарувчиси Валерий Жирков шундай ҳикоя қилади:

— Бизнинг мақсадимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларини ижтимоий ҳимоя қилишдан, ёшларнинг гоҳ ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, билим ва малакаларини оширишдан иборатдир. Шу мақсадда талабаларни ўқишдан бўш соатларида иш билан таъминлаймиз, ишбилармонликка ўргатамиз, талабалар корхоналарини ташкил этамиз. Айни пайтда ёшларнинг дам олишларини ҳам кўнгилдагидек уюштиришга ҳаракат қиламиз. Турли хил кўриклар, танловлар, фестиваллар ўтказиш иш режамизга киритилган. Фарғонада май ойида биринчи фестивалимиз бўлади.

Жамғарманинг хайрия тadbирларида ҳам иштирок этиш нияти бор. Шу йилнинг ўрталаридан хомийлар так-

дим этадиган маблағлар ҳисобидан ногирон ва етим талабаларга моддий ёрдам кўрсатишга киришамиз. Бундан ташқари истеъдодли талабаларнинг илмий ишларини йилнинг ҳар чорагида тўплам қилиб чиқариб борамиз. Бундай талабаларнинг стипендияларига 2 минг сўмдан қўшиб ҳам берилади.

Жамғармамиз Хиндистон, Покистон, Корея каби давлатлар билан талабалар гуруҳларини валютасиз айирбошлаш масаласини ҳал этаяпти. Бу муаммо ҳал бўлса ёшларимиз ён атрофимиздаги ривожланган мамлакатлар ютуғи билан яқиндан танишиш имконига эга бўладилар. Четдан келадиган талабалар учун эса Тошкент вилоятдан махсус халқаро лагер очамиз. Улар дам олиш билан бирга мустақил республикамизда рўй бераётган ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўрадилар. Бундай ҳамкорлик ёшлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

«Ишонч» мухбири.



МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚДИР

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг мустакилликка эришганига икки йил бўлай деяпти. Айримлар турмуш иккир-чикирлари, иктисодий тангликлар ис-канжасида бу оламшумул воқеанинг тарихий моҳиятини ҳис этиб улгурмади. Яқинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» номли рисо-ласи аввало истиқлолнинг моҳиятини англашга ёрдам беради, мустакиллик учун иктисодий, сиёсий ва маданий-маънавий соҳаларда буюк бурилишлар қилишимиз зарурлигини таъкид-лайди.

Рисолада мустакилликимизнинг бир йиллиги сарҳисоб қилинади. Шу муддат мобайнида халқимизнинг онги, миллий ғурури анча ўсди. Миллий ўзлигини англаш нафақат шакллана-ди, балки мустаҳкамланди.

Бугун Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзини она юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этайпти ва бундан фахрланаяпти. Мустакиллик аввало, миллий ифтихори ва ғурури учун кураша олувчи ҳамфикр ва ҳамжиҳат халқни ярат-моқда. Ўзбек халқи Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар билан ўзаро жипселашиб, асл маънодаги халқ бў-либ, майда-чуйда иғволарга эътибор бермайдиган қудратли кучга айланиб бормоқда.

Ушбу рисолада янгилаш ва таракқиёт республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини — ик-тисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, маданий ва бошқа соҳаларини камраб олувчи мураккаб куч эканлиги алоҳи-да таъкидланади.

Рисолада халқимизнинг ҳаётидаги ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидир, деб кўрсати-лади. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тикланганлиги, ҳақи-кий ўзбекона урф-одатларимизнинг, кадриятларимизнинг ҳаётдан ўз ўрни-ни топаётгани яққол мисолдир. Рисо-лада айтилганидек, «Ўзбек ўзбекили-га ишона бошлади». Катталарни хур-мат қилиш, она ва фарзандлар тў-ғрисида ғамхўрлик кўрсатиш, очик кўнгилли, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик муносабатида бўлиш, ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъ-рига айланиб бормоқда. Ватанга му-хаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга хурмат-эҳтиром каби фазилатлар ҳам халқимизга хос хусусиятдир.

Ҳозирги даврда мустакил Ўзбеки-стоннинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда ислом динини эъти-борга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ислом дини барча жа-хон динлари каби умуминсоний кад-риятларга асосланади. У одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маъна-вий-ахлоқий кадриятларни шакллан-тиришда муҳим омил ҳисобланади. «Бугун биз шунини мамнуният билан қайд қиламизки, халқимизнинг кўн-глини кўтаришда, уни қаддини рост-

лашда кўпчилик дин вакиллари, юз-лаб имом-хатибларимиз бизга яқин-дан ёрдам бераётирлар».

Дин ахиллари Қуръонни яхши бил-ган киши бу илохий китобда инсон-парварлик, тинчлик ва осойишталик ва бошқа динларга муроа билан қар-аш тарғиб қилиниши кераклигини тушунтирмоқдалар.

Лекин айрим мусулмон республика-ларида, яъни Тожикистонда айрим ёвуз ниятли кишилар, баъзи дин пеш-волари ислом динидан фойдаланиб, ўзларининг ғаразли режалари учун қанчадан-қанча беғуноҳ инсонлар-нинг умрини ҳазон қилиб, ҳеч кечи-рилмайди қурбонларга олиб кел-дилар. Динни ниқоб қилиб олган ислом ақидапарастлари тожик хал-қини фуқаролар урушига олиб келди. Шу сабабли ўзбек халқи ҳозирги пайтда ҳар қандай шаклдаги ақида-парастликни макбул эмас деб ҳисоб-лайди.

Ушбу рисолада Ўзбекистоннинг яна бир муҳим хусусияти, яъни унинг миллий таркибининг ўзига хослиги кўрсатилгандир. Республикамизда туб аҳоли кўпчиликини ташкил қилгани ҳолда унда юздан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари ҳам яшашади.

«Биз яхши англаймизки, ўз иззати ва кадриятига яхши ишонган инсон миллат ажратмайди. Ўз кучи ва кела-жагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади». Халқимизнинг ўзга миллат-ларга муносабати ижобийдир. Юрти-мизда яшаётган бошқа халқлар ва-килларига оқилона қараш ўзбеклар учун маънавий бурчга айланган.

Бизни келажакка умид билан қар-ашга ундайдиган вазият бу халқи-мизнинг жипселашиб, бир-бирига меҳроқибатли бўла боришидир. Худди шу нарса ҳозирги тинч-тотув ҳаёти-мизга асос бўлмоқда.

Рисолада таъкидланишича, жипс-лигимизнинг яна бир жиҳати халқи-мизнинг янги ҳаёт қуриш учун бел боғлаб, ўтмишимизни эъзозлашимиз, уни маломат тошларидан ҳимоя қили-шимиздир. «Ўтмишни тафтиш қи-лиш ёки уни инкор этиш — ўз илдизи-мизни ўзимиз кесишимиз билан баро-бар эканини яхши англадик ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан асраб қолдик». Чунки ўт-мишни эъзозлаган халқнинг келажаги умидли бўлади. Юртбошимиз айтгани-дек, «Халқимизнинг истиклолга муно-сиб кайфиятини, ишончини, ёруғ кун-ларга албатта етиб борамиз, деган умидини бирор жойга тўпласак — шунинг ўзиёқ кучимизга куч, ғайра-тимизга-ғайрат қўшади, оғир синов-ларни енгиб ўтишда бизга мадад бе-ради».

Шу сабабли ушбу рисола халқимиз-га келажак учун муҳим дастурил — амал бўлиб хизмат қилади.

Э. КАРИМОВ,

Тошкент Давлат Аграр Университети
сиёсатшунослик кафедраси мудири.
М. РАҲМАНОВА,
доцент.



ЯХШИ ТАДБИР

БУГУН пойтахтимизнинг шинам «Саодат» (исми жис-мига монанд) қаҳвахонаси ҳар сафаргидан ҳам гавжум ва файзли. Мана бу столда — миришкор оддий деҳқон шу соҳанинг академиги билан, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси касоба уюшмаси ходи-ми билан, ҳоким, ҳоким му-винлари эса адабиёт, санъат намояндалари билан газета-лар, ойнаи жаҳон заҳматқаш-лари билан суҳбат қуришяпти. Бу даврда турли касб эгалари бор. Уларнинг ёши, турли миллат вакиллари бў-лишига қарамай бир-бирла-рига илиқ табассум, ширин-суханлик билан мурожаат қи-лишаётганини кўриб ҳавасинг келади.

Юртимизда Наврўзи олам кезаётган кунларда булар-нинг барчасини бирлаштир-ган нарса — уларнинг касоба уюшмалари фаоли эканли-ларидир.

Давра суҳбатининг қизиқ ўтишини, иштирокчилар зе-рикиб қолмасликларини ўйлаб бу айём кунларида уни уюштирган Тошкент ви-лоят деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касоба уюшмаси кўмитаси аъзолари катта савобли иш қилишга-нини барча эътироф этди ва ушбу тадбир уларда чуқур таассурот қолдирди.

Суратларда: давра суҳбати иштирокчилари.

Лавҳалар муаллифи: Дав-рон АҲМАД.

САВОЛ-ЖАВОБ ТАРИҚАСИДА

ТОШКЕНТ вилояти касоба уюшма-лари кенгашида давлат қорхоналари, турар-жой, коммунал маиший хизмат жойлари, савдо ва умумий овқатла-ниш қорхоналарини хусусийлашти-риш, давлат тасарруфидан чиқариш масаласига бағишланган семинар бў-либ ўтди. Тошкент вилояти давлат мулкни бошқариш ва хусусийлашти-риш бошқармаси билан ҳамкорлик-да ўтказилган тадбирга давлат мулк-ини бошқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ кишилар, вилоят касоба уюшмалари тармок кўмиталарининг раислари, унинг турар-жой билан шу-гулланувчи ходимлари, вилоятдаги район, шаҳар тармок касоба уюшма-

лари кўмиталарининг раислари та-клиф этилган эди.

Ингиллишда бозор иктисодиёти шар-онтида янги мулкчилик муносабат-лари: мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш хў-жалик юретишининг янги шакллари ва тадбиркорликни ривожлантиришда, шунингдек ижтимоий-иктисодий жа-раёнда муҳим аҳамиятга эга эканли-ги, бу борада йўл қўйилган озгина камчиликлар ҳам кескинликка, ҳатто ижтимоий нотинчликка олиб келиши мумкинлиги таъкидланди. Семинар катнашчиларининг кўпдан-кўп савол-ларига мутахассислар жавоб берди-лар:

Б. ПУЛАТОВ,

Хабарлар

МАҒЗИ



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов Эндрю Гельфи бошчилигидаги фран-циялик мухбирлар гуру-ҳини қабул қилди.

● **МАЛАЙЗИЯ** Бош вази-ри Маҳатхир бин Муҳам-мад бошлиқ расмий ҳу-кумат делегацияси Ўзбе-кистон Республикасига

ташриф буюрди.

● **Ўзбекистон** Респуб-ликаси Президенти Ислам Каримов Малайзия Бош вазири Маҳатхир бин Му-ҳаммад бошлиқ ҳукумат делегациясини қабул қил-ди.

● Бўлиб ўтган суҳбатда икки томонлама савдо-иктисодий, маданий ва ил-мий алоқаларни ривож-лантириш ҳақида фикрла-шиб олинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Журна-листлар уюшмасининг бў-либ ўтган пленумида рес-публика Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекис-тоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли» ҳамда

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолалари-даги фикрлар асосида журналистлар олдида тур-ган вазифалар муҳока-ма қилинди.

● **ҚОЗОҒИСТОННИНГ** Қизил Ўрда шаҳрида Мар-казий Осиё давлатлари бошлиқлари ва Россия Фе-дерациясининг вакиллари иштирокида анжуман бў-либ ўтди. У энг мураккаб ва долзарб иктисодий, иж-тимоий муаммолардан бири — Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида ҳамкорликда кўриладиган чора-тадбир-ларни ишлаб чиқишга ба-ғишланди.



Яна хатлар... Газетамизда, айниқса, сўнги пайтлар меҳнаткашлар хатларига алоҳида аҳамият бериш кучайган сайин уларни дасталаб олмоқдамиз. Хатларнинг асриятчи ҳаётнинг янги-янги талабларига ҳақини сезгир бўлиш, эскиликнинг ортиқча юқларидан тезроқ қўтилиб, яхши кунлар келишини яқинлаштириш, фаровон турмушни равақ топдиришга бўлган интилишлар тўғрисида ҳикоя қилади.

«Давримизнинг катта мавзулари ҳақида мунозара юритиш ҳозир совуқ сувдай зарур бўлиб колди, — деб ёзди Наманган вилояти, Янгиқўрғон районлик Фаттоҳон Зокирхонов, — бу вазифани «Ишонч» газетаси жуда муваффақиятли бажармоқда, десам янглишмасман. Бизларга айниқса, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» рўқни билан «Отамга ҳам бордим мен, онамга ҳам бордим мен», «Арз-ўтинчимга чора йўқ...» сарлавҳали мақолалар жуда ёқади. Чунки уларда оддий халқнинг дилидаги гаплар, бошини қотирган муаммоларга яхши фикр-мулоҳазалар берилади. Газетхонлар ёзган хатларига қониқарли жавоб оладилар, кўнглилари таскин топади...»

Дарҳақиқат, ҳаёт зиддиларга тўла, уни енга билиш, доимий кураш билан олға интилиш ҳар кимга ҳам енгил бўлаётгани йўқ. Эзгу нияти, орзу-умидларини тезроқ рўёбга чиқариш мақсадида сазой-харакатни жадаллаштиришнинг улдасидан чиқиб ҳам ҳар кимга бир хил насиб қилмаётди. Чунки ҳар кимнинг кундалик ташвишлари бошдан ошиб бораётгани бунга ҳадеганда йўл қўйвермаслиги мумкин. Бундан «ашқари ҳар кимнинг ўз дунё карашини, нуқтаи назари бор, ҳар кимнинг ўзига хос турмуш кечиришга бўлган муносабати, феъл-атвори бор. Шу жиҳатдан ўзаро келишмовчиликлар, ўртадан меҳр-окибат кўтарилишлар ҳам содир бўлмоқдаки, бугунги хатларнинг аксари мазмунини ҳам ана шу тўғридадир:

«Тўй кўнгиладигандай ўтган эди, — деб ёзди Тошкент шаҳрида, яшовчи бир оила соҳиби — аммо эртасиданок хангома бошланди. Қайнона нечундирки, келин томон чаллар кунига оркестр чақирмабди, деб хархаша кўтарди. Бу ҳам холва экан, орадан ҳафта ўтмай «менинг эрим ёш туриб, нима учун келин уни «ада» эмас, «додо» дейиши керак?» «Нимага ошхонамга у эгалик қилиб, газни исроф этади, кўпинча ёқик қолдиради?» «Дом»да ўсган бўлса ўзига, тарбияси ҳам шунга лойиқ бўлса керак-да», дейишдан жағни толмай қолади баъзан. Қуда томондан келган ошни эса молхонага ағдариб чиқади. «Менинг тушимга одамларим кириб, келиннинг юрагига найза санч, деб буойришган», дейди. Ҳаммасига чидаб, тишини тишига кўйиб яшаётган келин қайнонасининг сўнги сўзларидан кўрқиб, ваннахонага беркиниб оладиган бўлади, соатлаб нафасини чиқармай ўтиради.

Орага маҳалла оксоқоллари тушди, қариндош-уруғлар... Қайнона ҳам қайнонани қанчалик инсофга чақирдишга уринмасин, эвини қиллолмайди. Охири қуда томонга «Қизингизни вақтинча олиб кетиб туринглар», дейишга мажбур бўлади. Шундай қилиб чилласи чиқмаган келин уйига қайтиб кетади...»

Бу хатни ўқиб, ундаги гапларга ишониб-ишонинг келмайди. Нахотки, шундай қайноналар ҳам бўлса, деб ёқа ушлайсан. Бирок, ундаги воқеаларнинг чиппа-чинлигини тасдиқловчи хатга тўққиз киши имзо чеккан-ку. Кўпини кўрган, айримлари бир эмас, икки-учтадан келин тушириб, қуёвди

бўлган мазкур тўққиз киши ҳам биргина аёлни тартибга чақириб қўйишга қурбилари етмаганидан афсуслансан. Хўп, қайнонанингку табиати шундай экан, қуёв бўлмиш — ўғил-чи? Бу содирликларга унинг муносабати қандай бўлаётди, деб сўрарсиз. Шу кечакундузимиздаги мактабда ўқиган, янгича тарбия кўрган ўғил ҳам онанинг ёнини олаётган эмиш. Хатнинг давомида ёзилишича у хатто келин томонни судга бериб: «Қайнотам билан қайнонам келиб, қизларини олдиларига солиб, олиб кетишди» дея ёлгон ахборот ҳам берган эмиш. Келинга эса ажралишни таклиф қилган эмиш.

Ана оқибат. Шундай экан, нега уйландингу нега дарров тўнингни тескари қийиб олақолдинг, дея савол бергучи йўқ. Унинг онасидай худбинликка берилган кекса аёлни кечириш мумкин. Қуёв бўлмишдай ёш, тушинган йигитнинг бу хилдаги бетайинлиги, катъиятсизлиги нисбатан ни-

Сенинг бу кирдикорларинг фарзандларинг, яқин-йироқ, қариндош-уруғ, таниш-билишларинг, хатто жамият оқоиништаллиги учун салбий таъсирини ўтказмайди, дейсанми?

«Мени ноҳақ ишдан бўшатишди, — деб шикоят қилади Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳар, Ф. Тўлаев кўчаси, 28-уйда истикомат қилувчи Шаҳодат Раҳимова, — ҳомиладор эдим. Қарамоғимда тўрт фарзандим бор. Нима қиларимни билмай қолдим. Бу ноҳақликнинг олдини олиш мақсадида бормаган идорам, қокмаган эшигим қолмади. Вилоят раҳбарларига мурожаат қилдим. Натижа чиқмади. Фақат 1992 йилнинг 14 июлида район суди қайта ишга тикланишимни ёқлаб, қарор чиқариб берди. Минг афсуски, суд қарори ҳам ижросиз қолди. Яна идорама-идора юриб, арз-дод қиламан. Бирок фойдасиз. Энди кимга бориб арзимни айтмай?»

Дарвоқе, кимга айтсин? Аёл жони билан оёқдан қолиб, тентирашларидан фойда чиқмаса, унинг хасратини эшитганлар жонига оро киришни билишмаса, ким унинг мушқулни осон қилади? Балки ушбу сатрларни газетада ўқигандан сўнг инсофга келишар, муштипар аёлга ёрдам қўлини чўзишар. Ҳар қалай биз шунини истаймиз.

Самарқанд вилояти, Иштихон район, Қорача қишлоғлик Жозил Са-

мадад сўрашимни билмай сенга мурожаат қилмоқдаман, азизим, «Ишонч», менга ёрдам бер».

Қашқадарё вилояти, Дехқонобод район, «Пахтачи» маҳаллали Мусулмон Мадиев ёзган хатдан парча:

«Оилам Гулбахор Отамуродова Завкий номли мактаб директорининг ўринбосари вазифасида ишлайди. Район халқ таълими бўлими бизга уй бериб, қўлимизга ордер тутказган эди. Суюнганимиз ҳам бор бўлсин. Мана уч йилдирки ўша уйга қиролмаймиз. Чунки район милиция ходими жиёни Бахтиёр Равшановга биздан олдин пинҳона расмийлаштириб улгурган экан. Суд ишни бизнинг фойдамизга хал қилиб берди. Барибир уй бўшагани йўқ. Кўп жойларга арз қилавериб қийналиб кетдик. Зора сиз сеvimли газетамизда ушбу хатимиз босилиб чиққандан сўнг нафи тегса, деган ният билан ёзмоқдамиз».

Ҳа, хали бизда биров учун қайгурмайди, инсон учун астойдил заҳмат чекишни билмайдиганлар кўп топилади. Ундайлар ўзларини замонанинг ҳақиқий зўёлисман, деб кўкрак қилиб юрадилар, бевосита вазифаларига эътиборсиз қарайдилар. Масъул лавозим эгаси бўлатуриб инсон кадрини эъозлаш, ночорларга чин дилдан ғамхўрлик қилиш, учун жонларини қойитгилари келмайди. Ундайларни халқ ҳам кадрламайди ҳеч қачон. Чунки кадр билангина кадр топар, дейдилар.

Шунга ўхшаш яна бир хат, Уни Самарқанд вилояти, Челақ райони, А. Навоий номидаги жамоа хўжалигида истикомат қилувчи Мамат Ҳайдаров ёзган:

«Мен биринчи гуруҳ Улуғ Ватан уруши ногирониман, — дейди у, — қондага мувофиқ бепул машина олишим керак эди. 1990 йили март ойда вилоят раҳбариятига хужжат тайёрлаб топширган эдим. Комиссияга чақирдим. Хужжат топширганлигим маъқулланиб, уларнинг дафтарларига қайд этилди. Фақат негадир мендан 300 сўм сўрашди. Енимда йўқлиги учун бермадим. Шу-шу аризам ҳаракати тўхтаб қолди. Яқинда аризам бўйича уйимга келиб текширишди, лекин машина бериш-бермасликлари тўғрисида лом-лим дейишмади.

Орадан ўн кун ўтмай почта орқали хат олдим. Очиб ўқисам, 1-гуруҳ Улуғ Ватан уруши ногирони бўлишингиздан катъий назар бепул «Запорожец» автомашинаси берилиши тўғрисидаги илтимосингиз рад этилди», деб ёзилган. Мен аризани кеча эмас, 1990 йилда берганимиз? Комиссиядан ҳам ўша маҳал ўтгандим. Нимага машина берилиши тўхтатилганлиги ҳақидаги фармон чиққанга қадар аризамга жавоб олмадим? Икки оғиз ёзиб юбориш учун янги фармон чиқишини кутиб туриш керакми? Мен ариза берган пайтда машина олишга ҳаққим бор эди. Хўш, бунга ким жавоб беради энди?»

Алданиш жуда ёмон, алдаш эса ундан ёмон. Айниқса, бир вақтлар Ватан учун, эл-улус эрки, мустақиллик учун жон олиб, жон берган, жангга жадалда марду майдонлик кўрсатган, ҳозирда эса ногирон бўлиб қолган табарруқ кишиларга нисбатан беҳурматсизлик қилиш инсофга қирмайди. Кеча ундай деб, бугун бундай, дея уларнинг бирдан-бир умидини пайхонлаш билан қаттиқ озор берилаётганини тасаввур этиб кўринг. Ахир, бу ўта бағритошлик-ку!

Маматхон аканинг омади юришиб, уринган иши ўринсиз қолмаслигига тилақдошмиз.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

ҚАДР БИЛГАН — ҚАДРИН ТОПАР

ма дейиш мумкин?

Бухоро вилояти, Қорақўл район, «Зиёрат» жамоа хўжалиги аъзоси Рухия Холлиева ёзган хатнинг мазмунини ҳам шунга яқин:

«Мен турмуш ўртоғим Раҳимберди Холлиев билан олти ойгина аҳил яшадим, холос, — деб нолийди у. — Кўп ўтмай орамизга совуқчилик тушди. Раҳмонберди салдан салга ҳақоратлаб сўқадиган бўлди. Хатто тан жароҳати ҳам етказарди. Нимага бунақалигига хайрон эдим. Суриштириб билсам, у бошқа бир аёл билан топширган экан. Бир куни олиб келиб, мени уйдан ёш болам билан хайдаб чиқарди. Болам етим қолмасин, деб ҳаммасига чидадим. Молхонада ётган кунларим ҳам кўп бўлди. Ҳар хил андишага бориб, бировга арз-дод қилмадим. Шундан фойдаланиб, у ажралиш учун судга ариза ёзди. Судда менинг устимдан ёлгон-яшиқ гапларни тўқиди. Суд ҳам унинг гапларига ишониб, бизнинг ажралишимиз учун ҳукм чиқарди. Мен норозилик билдирдим. Ҳеч ким қулоқ солмади. Кейин суд залини ташлаб, чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Шундан бери Раҳмонбердидан рўзгоримни ундиролмай сарсонман».

Бу гапларга нима дейсиз? Мураккаб даврий хамжихатлик билан, ахилликда енгиллатиш, турмуш кечиришни осонлаштириш учун курашиш ўрнига ўзаро сану-манга бориш, онада тоғув яшаш ўрнига умумий тил топширолмай, хатто судлашишга борсанг, бундан кимга фойда-ю кимга зиён?

римсоқова ҳам қуйидагиларни ёзди:

«Менинг ёшим 39 да. Мактабда фаррош бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим вафот этиб кетган. Беш болам бор. Улар учун нафақа олаётган эдим. Ўтган йилнинг июль ойидан бошлаб нафақа тўлаш тўхтаб қолди. Социал таъминот бўлимидагилар хужжатларинг йўқолган дейишди. Қанчадан нафақа олганим ҳақида почтадан савола олиб келиб бердим. Аммо ахвол бояги-боягидай. Ҳар куни эрталаб соат саккиздан кечкурун бешгача умрим таъминот бўлими эшиги олдида ўтади. Биронта ҳолимга ачинаувчи йўқ. Қачон тугайди бунақа тартибсизликлар?»

«1991 йилдан Тошкент давлат ҳуқуқшунослик илмгоҳида сиртдан ўқийман, — деб бошланади Наманган вилояти, Чуст район, Энгельс номли жамоа хўжалигилик Тоҳира Шерматованинг хати, — Шу билан бирга Чуст шаҳар ҳокимлиги меҳнат бўлимида хизмат қилаётган эдим. Бошлигим билан орамиз бузилиб қолгандан бери ҳаловатим йўқ. Икки гапнинг бирида сени бўшатаман, қискартирувга тушасан, деб таҳдид қилгани-қилган. Нима учун? Ҳар бир топширикни беками-кўст бажарсам, ишга вақтида келиб, вақтида кетсам — айбим нимадалигини айтмайди. Раҳбаринг ёмонлаб, сени қамситиб тургандан кейин, еган-ичганинг ҳам ичингга тушмас, на уйингда, на ўнгингда ороминг бўлмас экан.

Нима гап, замона зўрникими ё, деб юм-юм йиғлаб оламан баъзан. Кимдан

ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

ВИЛОЯТ, шифохонаси терапия бўлими ихтиёрида касб касалликларини аниқлаш ва даволаш бўлими иш бошлади. Бўлим бир йўла 15 нафар беморни қабул қилади. Касб касалликларига йўликкан кишилар илгари нафақа олишга зарур хужжатлар учун республика пойтахтига келиб кўриқдан ўтишга мажбур

эдилар. Шу сабабли ҳам касб касалига учраганлар кўп бўлса-да, бу ҳақда хужжати бўлиб нафақа олаётганлар оз эди. Чунки Тошкентга бориб кўриқдан ўтишга ҳамма ҳам қунт қилавермайди-да. Вилоят шифохонасининг бу бўлимининг очилиши жуда хайрли бўлди.

М. КЕНГБОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ҚАШҚАДАРЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВИЛОЯТ 1-шифолар бошқармасида милиция музейи очилди. Музейдан жой олган хужжатлар, суратлар ва ҳайкаллар вилоят ички ишлар ходимларининг машаққатли меҳнати, улар томонидан босиб ўтилган оғир ва шонли йўл ҳақида ҳикоя қилади.

Музейни ташкил этиш, зарур хужжатларни излаш ва стендларни безаш ишига милиция подполковниги, таникли ҳайкалтарош Бахтиёр Анваров катта ҳисса қўшди.

ҚАМАШИ районидаги Қорасув қишлоғи ёнида ғишт заводи қуриляпти. Қурилишни район матлубот жамиятига қарашли қурилиш участкаси олиб борапти. Шу йили қуриб битказиладиган бу завод кунига 45—50 минг дона пишик



Саволларга Тошкент иқтисодиёт университетининг профессори Т. Саъдуллаев, ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси Й. Турсунов, Ўзбекистон Агросаноат мажмун ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бўлим мудирини Б. Акбаров, йўриқчи Ш. К. Қўшоқов ва Ўзбекистон халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳуқуқ инспектори Х. Исмаатуллаевлар жавоб берадилар:

Президентимизнинг Афғон уруши ҳамда Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатиш қатнашчиларини ҳимоялаш тўғрисидаги Фармони биз 1968 йилда Чехословакияда бўлган фуқаролар уруши қатнашчиларига ҳам тегишлими? Бироқ мен Чехословакия урушида иштирок этганлигимни тасдиқловчи ҳужжатимни йўқотганман. Мен ҳам имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга манми?

Ҳозирда Шеробод районидаги «Наврўз» давлат хўжалигида тракторчи бўлиб ишлайман. Менга биркирилган «Т—28» маркали тракторни эҳтиёт қисмлари йўқлиги туфайли ремонт қилолмадим. Хўжалик маъмурияти ўтган йилнинг декабрида ремонтни эпловмадинг, деб тракторни мендан олиб, ўзимни ишдан бўшатди. Шу тўғрими?

Б. РАЖАБОВ,

Сурхандарё вилояти, Шеробод районидаги «Наврўз» давлат хўжалиги.

еспубликамиз Президентининг 1992 йил 11 декабрдаги Фармонига кўра бошқа йиллар

да ва бошқа мамлакатларда (шу жумладан Чехословакияда ҳам) уруш ҳаракатларида қатнашган со-

биқ ҳарбий хизматчиларга Афғон уруши қатнашчилари учун белгиланган имтиёзлар қисман (уй-жойларни бепул шахсий мулк қилиб беришга оид жорий этиладиган бўлди. Бунинг учун ана шундай хизматни ўтаганлигиниз ҳужжатларда қайд этилган бўлиши лозим. Бундай маълумотлар сақлаиб қолмаган бўлса тегишли ҳарбий архивларга мурожаат қилиш лозим бўлади.

Сизга бириктирилган тракторни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш совхоз маъмуриятининг бурчи. Эҳтиёт қисм билан таъминламасдан туриб, сизни тракторни таъмирламасликда айблаб ишдан четлаштирилганлари қонунга хилофдир.

Сиз аввалги ишингизга тиклашларини (трактор берилишини) сўраб ўзингиз яшаб турган Район халқ судига мурожаат қилишингиз мумкин.

хўжалик техникаси ва ускуналарини сотиб олишга, ишчи, хизматчи, мактаб ва боғча болаларининг овқатланишини арзонлаштириш учун кетган маблағларни қоплашга, уй-жой ва бошқа ижтимоий иншоотларни қуришга сарф қилиши мумкин.

Маблағнинг юқорида кўрсатилган харажатлардан ортиб қолган миқдорининг бир қисми шу пахтани етиштирган пахтакорларга, хизматчиларга ва бошқаларга қўшимча даромад қилиб берилиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўзининг 1992 йил 24 февралда 35-11-41 рақамли хати билан барча вилоят агрорасаноат уюшмаларига хабар қилган.

камасининг 1992 йил 27 августдаги 399-сонли қарорларига асосан бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1988 йил 31 октябрдаги 392 рақамли қарорига биноан қишлоқ жойларида яшовчи ва ишловчи шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлари ва улар билан бирга яшовчи оила аъзолари квартира ҳақи, ёқилги ва электр энергияси учун пул тўламайдилар.

Ёшим 52 да. Қаҳрамон она унвонига эгаман. Мен 1958 — 1959 йилларда колхозда ишлаганман, кейинчалик совхозда мавсумий ишларда қатнашдим. Пилла тутганман. Менга ҳам нафақа беришлари мумкинми, агар мумкин бўлса, қандай ҳужжатлар топширишим керак?

М. АЛИБОЕВА,

Жиззах вилояти, Фориш районидаги «Боғдон» давлат хўжалиги 4-бўлим.

«СССР фуқаролари нафақа таъминоти тўғрисидаги Собик Иттифоқ Қонунига кўра (Ўзбекистон ушбу масала хусусида ҳозирча ўз қонунини қабул қилгани йўқ) камида беш бола туғиб уларни саккиз ёшгача тарбиялаган оналар 20 йиллик меҳнат стажи билан 50 ёшдан нафақага чиқишлари мумкин. Бироқ, мактубингизга қараганда сиз тегишли меҳнат стажига эга эмассиз. Лекин сиз 1958 — 1959 йиллардаги ҳамда кейинги даврларда мавсумий ишларни бажарганлигиниз ҳақида маълумотнома тўплашингиз ва шу асосда аниқланган меҳнат стажига мутаносиб равишда нафақа тайинлашларини 55 ёшга етганингиздан сўнг талаб қилишингиз мумкин.

Саволларингизга аниқ жавоб олиш учун зарур малумотномалар ҳамда меҳнат стажингизни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар билан бирга маҳаллий ижтимоий таъминот маҳкамаларига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

Мен 1983 йил 28 декабрда 55 «АС» рақамли қарор билан СамДДтайёрлов бўлимига қабул қилиндим. 1989 йил 1 июлда 30 «АС» рақамли қарор билан СамДД ни битирганим ҳақида меҳнат дафтарчамга ёзилган. Ўқини йилларим — ўқитувчилик қилган йилларимга (стажга) қўшиладими? Агар қўшилса қайси ва қачон чиққан қарорга асосан?

Ҳозирча ўқитувчи бўлиб ишлайман, хотиним ишламайди. Олти ёшга етмаган икки болаимиз бор. Ҳар йили баҳорда пилла қурти боқасан деб қўйишмайди. Қишлоқ мактаблари ўқитувчиларини қишлоқ хўжалик ишларидан озод қилишга доир бирор қарор ёки имтиёз борми?

Ҳ. ЖЎРАЕВ,

Жиззах вилояти, Фориш районидаги «Фориш» давлат хўжалиги.

Университетда ўқув йилларингиз ўқитувчилик стажига кирмайди. Лекин, 1990 йил 15 майда собик СССР Олий Кенгаши томонидан СССРда фуқароларни нафақа билан таъминлаш тўғрисидаги қонуннинг 67 моддасининг «д» бандига асосан сизнинг университетда ўқиган йилларингиз умумий меҳнат стажига кирди.

Истикомат қилаётган манзилгоҳдаги давлат хўжалиги бўлим бошлиқлари сизнинг розилигингизни олмасдан, тенг ҳуқуқли шартнома тузмасдан туриб пилла қурти боқиб берасан деган ҳаракатдаги Қонунларга хилофдир. Чунки, сиз қишлоқ хўжалиги ходими эмассиз, халқ таълими ходимисиз.

Меҳнат фаолиятингиз Ўзбекистон Меҳнат Қонунлари ҳамда 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Қонунига асосан амалга оширилади.

Ўтган йили 26 июнда қиз кўрдим. Умри қисқа экан, 12 кунлигида вафот этди. Лекин менга суяюнчи пули берилмади. Шу тўғрими?

С. ДАВЛАТОВА,

Андижон вилояти, Балиқчи райони.

Агар қизингизнинг туғилганлиги ЗАГС идорасида рўйхатдан ўтган бўлса, унинг қачон ўлганлигидан қатъий назар сизга суяюнчи пули тўланиши керак.

● Саҳифани муҳбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.

Бизнинг хўжалик 1991 йил якуни бўйича давлатга сотиладиган пахтанинг 95 фоизидан юқорисини сотишдан 32 миллион сўм даромад қилди. Шундан неча фоизини хўжалик ишчи ва хизматчиларига иш ҳақи ёки мукофот тариқасида берилиши керак?

Шунингдек, хўжаликларда сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг режадан ортиқча сотилганига қандай харажатларни қоплаш ёки қандай ишларни бажариш кераклиги тўғрисида маълумот берсангиз.

Р. ОТАНАЗАРОВ,

Қашқадарё вилояти, Косон районидаги Беруний номидаги давлат хўжалиги.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 30 сентябрдаги Фармонида 1991 йил учун белгиланган пахта толасининг 5 фоизи (бу имтиёз 1992 йилдан бошлаб 15 фоиз қилиб белгиланган ҳажмдан ортиқча олинган пахта толасининг ҳаммаси мамлакат ичкарисида ҳам, ундан ташқарида ҳам дав-

лат, жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ихтиёрий равишда сотилиши мумкин.

Сизларнинг давлат хўжалигингиз 1991 йил ҳосилдан олинган пахта толасини 95 фоиздан юқорисини сотишдан келган 32 миллион сўм даромаднинг асосий қисмини хўжаликни ривожлантиришга, қишлоқ

га эга. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 июлдаги фармойиши ва Вазирлар Мах-

қизингиз тиббиёт ходими сифатида яшаётган давлат (совхоз) уйини бепул хусусийлаштириш ҳуқуқи-



Хурматли «Ишонч» тахрир хайъати аъзолари!

ЖОНАЖОН юртимиз ўз истиқлолига эришганидан бери кўндан кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Атамалар соҳасида олиб борилаётган ислоҳот тадбирлари шулар жумласидандир. Айниқса диёримиздаги турли ташкилот, корхона, майдон, хидбон, кўчалар каби жойларнинг сабабли ёки сабабсиз қўйилиб қолган номуносиб номларини миллий ва тарихий аҳамиятга молик янги номларга айлантириш жараёни қувончли ва диққатга сазовор бир ҳолдир.

Тошкентнинг Шайхонтохур райони «Бўстон» маҳалласидаги эски «Уражайная» кўчаси яқинда «Эшон Бобоҳон» номлари билан атала бошлади. Биз, қуйида имзо чекувчилар, газетангиз орқали Эшон Бобоҳон ҳақларида тўғрароқ маълумот беришларингизни илтимос қиламиз.

Собиров Муҳаммад Ҳожи

— истъефодаги медицина хизмати полковниги, медицина фанлари номзоди, Улуғ Ватан Уруши катнашчиси.

Юнусов Тоир

— Низомий номидаги ТДПИ доценти.

Пўлатов Жўра Саидович

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, медицина фанлари номзоди, доцент.

Холматов Абдуқодир

— Улуғ Ватан уруши I гуруҳа ногирони.

Тахририятдан:

Шу мақтуб юзасидан мухбиримиз

Эшон Бобоҳон ҳазратларининг набираси, ЎзФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Шамсуддинхон Бобоҳоновга мурожаат қилди.

Мухбир: Шамсуддинхон ака, аввало шахримиз кўчаларидан бирига

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ҳамд ул Аллоҳгаки, ўз пайғамбарларига дин аҳкомларини умматларига етказишлик билан фазлу камол ато этди ҳамда ўз авлиёларини хавфу хатардин халос этишлик билан азизу мукаррам қилди. Салавоту саломлар ул Муҳаммад пайғамбаргаки, бутун оламга ани раҳмат этиб юборди. Шунингдек, анинг аҳли аёллари ва саҳобаи киромларига дурудун саломлар бўлсин.

Аммо бутун коинот эгасиким, зикри олий ва исми буюқдир, анга ҳамду санодин сўнг ва барча пайғамбарлар саййиди Муҳаммад алайҳиссалом васфу наътларидан кейин улуғ зотлар насабларидин бохабар ва уларнинг авлоду зурриятининг воқиф бўлмиш кишилар қалбига ҳаргиз махфий эмасдурким, Аллоҳнинг тақдири азалийсиз ва ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ишоралари ила тобеъинлар тобеъларидан саналмиш ҳазрати Исҳоқ бон (раҳматуллоҳи алайҳи) Ислон лашкарлари сафида мавжуд эдилар. Улар ичида яна беш улуғ зот бор эдилар:

1. Мавлоно Бакруддин Қафқол

2. Ҳазрати Абдулжалил ота

3. Ҳазрати Ювош боп (ҳазрати Исҳоқбоннинг биродари бўлиб, бу ака-укалар Абдурахмон, ибн Абулқаҳҳор ибн Абдулжабборнинг ўғилларидурлар)

4. Ҳазрати Абдулмажидбон (Ханорлик ота лақаби ила машҳурдурлар)

5. Ҳасан Восил (Аллоҳ ҳаммаларини ўз раҳматига олган бўлсин).
Мазкурлар «Инно фатаҳнолака фатҳан мубино» (Эй пайғамбарим, сенга буюқ фатҳу зафарлар ато этурман) ояти каримаси тақозоси ила Шоми шарифдин бу диёрларга келиб қолмиш эдилар ва бу диёрлар аҳлини фатҳи Ислон ила мушарраф айламишлар. То Исфижоб (ҳозирги Сайрам) вилоятга доҳил бўлдилар, анда салтанат тахтига Абдулмажидбон ҳазратларини муайян этдилар, зеро бу ҳазрат Шоми шарифда ҳам соҳиби салтанат эдилар.

Исҳоқбон ҳазратлари эса Қарғалик вилояти томон лашкар тортиб равона бўлдилар. Абдулмажидбон ҳазратлари Исфижоб вилоятинда хидоят ва иршод мактабини очиб, анда тақвою поклик ила ташна лаб толиби илмларга ботиний илмлар сарчашмасидин оби маърифат улаша бошладилар.

Маснавий:

Ул шайхким эрдилар маърифат паноҳ,
Дарсларига бўлди макон хонақоҳ,
Уқирдилар унда аҳли тариқат,
Қилиб ҳосил илми тавҳиддин ҳақиқат.

Абдулмажидбон ҳазратлари салтанат ишлари билан бирга шариат таълими ва тариқат одоблари ҳамда қозилик вазибаларини ҳаркимларга ҳавола этмай, ўз зиммаларига олган эрдилар. Шу йўсинда 45 йил муттасил хизмат қилдилар. Шу аснода ўзларининг пушти паноҳларидан дунёга келган Товусбеғим исмли қизларини дўстлар ичида энг олим ва фозили

саналмиш Ювошбон ҳазратлари ниқоҳлариға топширдилар ва умри шарифлари охирида салтанатни шу муҳтарам куёвлариға тавсия этиб, руҳларини ўз эгасига таслим қилдилар (Жойлари жаннатда бўлсин!)

Маснавий:

Агар мумкин бўлса эрди ҳаёти абад,
Анга лойиқ бўлур эрди набий

Муҳаммад.

Абдулмажидбон ҳазратларининг вафотлари аҳлу аёл ва ёру дўстлариға андоқ қайғу ва алам бахш этдиким, кечаю кундуз кўзларидин ёш ўрниға қон оқур эрди. Тажҳизу тақфинларини суннати санийяга мувофиқ равишда бажо келтиргач, жанозани мағфиратларини ўқиб, равзайи муқаддасларига

кўрсатиб, руҳи покларини даргоҳи илоҳийға таслим этдилар.

Ўринлариға фарзанди аржумандлари Бадрул Ислон таъйин топдилар. Бадрул Ислоннинг бир хушрўй фарзанди бор эрдиким, ҳусну жамолда Юсуф алайҳиссалом янглиғ машҳури жаҳон эрди (Андоғки, анинг еру осмон ҳам рашк қилур эрди). Номии шарифлари Шайх Исмоил бўлуб, фазлу камол ва илму ҳолу қол, а Иброҳим Халилуллоҳнинг ўғиллари Исмоил алайҳиссалом каби маъбули омма эрдилар. Ул кишида одатдан ташқари бўлмиш кўплаб кашф у хароматлар зоҳир бўлғони нақл қилинур. Ул киши кундузлари ҳақиқат ва маърифатдин дарс айтишда барқарор ва кечалари

сабабли кейинчалик уни «Бача Қози» (гўдак қози) лақаби ила атаганлар.

Аммо баъд: Бу улуғ зотлар тоифасининг таъриф ва тавсифлари хусусида ҳар қанча кўп баён этсак арзир эди, лекин улар зикрини мухтасар айлаб, баъзибир фазлу фазоллари ҳақидагина тўхталиб ўтдик. Бунинг учун улуғ Тангрига ҳамду сано ва Унинг пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга дурудун саломлар айтамыз.

Маълумингиз ўлсинким, қози Шоҳ Муҳаммад Содиқ дорул-фанодан дорул-бақоға реҳлат қилғонларидин сўнг, ўринлариға нури дийдалари бўлмиш Қози Тулак Хожа қарор топдилар. Анинг вафотидин кейин Қози Шоҳ Абулваҳоб бу мансаби олийға муяссар бўлдилар. Бул ҳазрат аҳли тариқатлардан бўлиб, ўзининг кўп кашфу кароматлари ила эларо машҳурлардан эдилар. Бул зотнинг 6 фарзанди бўлиб: ҳаммалари илму фанда пешқадамлардан эдилар.

Улардан бирининг номи — Қози Муҳаммад Ислон Хожа бўлиб, узоқ муддат давомида халққа шариат аҳкомларини баён этган, тариқат бобида эса, буюқ аждодлари каби пешво бўлган эрдилар. Бу зотнинг ҳам Эшон Аюб Хожа номли бир ўғиллари бўлиб, зоҳирий ва ботиний илмларда алломайи замон ҳам соҳиби каромат эрдилар. Анинг тўрт фарзанди бўлиб, бири Эшон Исомиддин Хожа, иккинчиси Эшон Зиёвуддин Хожа, учинчиси Хусомиддин Хожа ва тўртинчиси Исмаатулло Хожа эдилар.

Исомиддин Хожа Эшондин Юнус Хожа Эшон дунёга келади ва падари бузрукворлари мақомига эришади.

Юнус Хожа Эшоннинг икки ўғли бўлиб, бири Имом Муҳаммадхон Эшон (вафотлари 1300-ҳижрий), иккинчиси Абдулмажидхон Эшон номи ила машҳур ва маъруф эдилар.

Абдулмажидхон Эшондин 3 қиз ва 5 ўғил дунёга келган. Эшон Бобоҳон (1276—1376 ҳ.) ўғилларнинг тўнғичи эрди.

Эшон Бобоҳон ҳазратларидан Муборакхон, Оқилхон, Камолхон, Зайнуддинхон, Зиёвуддинхон, Бадруддинхон, Носириддинхон исмли 7 ўғил ва Сафийхон, Саййидахон отлиғ 2 қиз фарзандлар дунёга келган.

1957 мелодий санада Эшон Бобоҳон ҳазратлари вафотларидин сўнг, муфтийлик маснадиға фарзанди аржумандлари Зиёвуддинхон Қори таъйин топдилар. Ул ҳазрат диёримиз мусулмонлари орасида диний таълим-тарбияни қайта жорий этиш, турли бидъат ва хурофотларга қарши фатволар чиқариш ҳамда Ислон олами билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш каби кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб ўтдилар. 1982 мелодий сана охирида дорул фанодин дорул бақоға реҳлат этдилар ва Хастимом Маҳалласидаги Абу Бакр Қафқол аш-Шоший, Баҳодурхон Маҳдум ва оталари Эшон Бобоҳон қабрлари ёнлариға дафн этилдилар. Ҳақ таоло барчаларини ўз раҳмати ва мағфиратига мушарраф айласин!

АЖДОДЛАР ВАСИҚАСИ

(БИР ШАЖАРА ҲАҚИДА)

дафн этиларким, ҳануз ул жой улуғларнинг зиёратгоҳидир. «Инна лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъуна» (Дарҳақиқат, ҳаммамиз Аллоҳнинг мулкидурмиз ва Унинг ҳузурига албат қайтурмиз).

Ювошбон алайҳирраҳма Ҳақ Таолонинг марҳамати ила вилоят ва динпарварликда Машриқдан то Мағрибгача машҳури жаҳон бўлдилар. Ул зоти бобарақотнинг пурҳикмат диллари ва нуфузли тиллари файзу футуҳидин барча фазилат соҳиблари ва тариқат аҳллари кўп баҳраманд бўлдилар. Иршоду-тақво маснадида узоқ муддат қарор топганлари асносида илму ҳикмат ва боби тариқатда андоқ олий мақомларға етишдиларким, улус кўнглиға Тангри Таоло ғойибона илҳом ила ул зотни «шайхуш-шуйху» лақаби ила аташликни каромат этди.

Ул ҳазрати олийларининг бир фарзанди аржумандлари бўлиб, ани тарбиясига кўп сазю кўшишда бўлган эрдилар. Вақтики, шайх алайҳирраҳма соли ҳижрийнинг уч юзида тақдири азал тақозоси ила дорул фанодин дорул бақоға реҳлат этдилар ва буюқ аждодлари живориға мадфун бўлдилар, замона аҳлининг тадбиркор оқиллари машварати ила мазкур фарзанди солиҳлариким, ани Фахрул Ислон деб атамишлар эрди, вилоят маснадиға қоиммақом этдилар.

Фахрул Ислон ўз вафотлари олдиндан фарзанди солиҳлари бўлмиш Нурул Ислонни шариат ва вилоят ишлариға мутасадди этиб, оламдин ўтдилар. Тасаввуф тариқасининг улуғлари Нурул Ислон вафотидан сўнг, нури дийдалари бўлмиш Садрул Ислонни оталари ўринлариға қоиммақом этдилар. Бул жаноб бир неча вақт тақво ва фатво маснадида фаолият

зикру ибодат ила бедор эрдилар.

Маснавий:

Ибодатда маскани меҳроб эди,

Кўзлари тоат ила бехоб эди.

Тариқатда эди у дурри ноёб,

Анга манфур эди ош-нону кабоб.

Қачонки Шайх Исмоил алайҳирраҳманнинг ажали мусаммоси бошиға келуб соя солди, анда ул зотнинг 4 нафар фарзандларидин Қозий Алоул Ислонким, Қозий Байзовий унвони ила машҳурдир, оталари мақомлариға таъйин топдилар. Бир қанча вақт давомида вилоят аҳлиға иршод, адолат ва эҳсон намуналарини кўрсатгонларидин сўнг мақоми олийлариға бу зотнинг фарзанди аржумандлари Абдулмажид Хожа (раҳматуллоҳи алайҳи) ўтирдилар. Ул киши шариат, тариқат ва ҳақиқат бобида машҳури жаҳон бўлиб, кўп каромат ва аломатлар соҳиби эрдилар. Руҳи покларини даргоҳи илоҳийға таслим этганларидин кейин сарой аъёнлари машварати ила икки фарзандларидан бири — Низомиддинни оталари маснадиға тахтнишин этдилар. Низомиддиннинг биродари Шайхул Ислон оталаридин олдинроқ вафот этиб кетганлари сабабли, Низомиддин ўзининг 4 ўғилларидан бири — Муҳаммад Ислон Хожани ўз ўрниға валийюл аҳд қилиб оламдан ўтдилар. Муҳаммад Ислон Хожа буюқ аждодлари йўлидан бориб, то ажал хитобини эшитиб олами боқийға реҳлат қилғонлариға қадар вилоят тасарруфини мукамал тарзда ижро этдилар. Андин сўнг фарзанди саодатмандлари Ҳазрат Қози Хожа, сўнгидин эса анинг фарзанди Қози Шоҳ Хусайн салтанат тахтида дунё ва охират ишларини камолиға етказиб ўтдилар. Қози Шоҳ Хусайн бешикдаги фарзанди Муҳаммад Содиқни ўзиға валийюлаҳд этиб тайинлайди. Шу



АПРЕЛЬ

21.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

11 ЯКШАНБА

УзТВ I

7.00 Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов куйлайди. 8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Махобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 11-серия. 9.15 «Ўзбекистон спортни». 9.45 Инглиз тили. 10.15 «Деҳқончилик ва экология». 10.35 «Мўъжизалар маскани». Масхарабоз Акрам Юсупов ижоди. 11.35 «Мактаб ва ҳаёт». 12.15 «Ватанпарвар». Олмонияда йигитлик бурчини ўтаётган ўзбекистонлик аскарлар ҳақида. 13.15 «Мулоҳаза». Адабиёт ва маънавият. 18.00 «Ер истаб». Муסיқий лавҳа. 18.10 «Ешлик» студияси. «Узинг эр билсанг». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Лайлақлар». «Ўзбектелефильм» премьераси. 19.30 Жаҳон спорти янгиллари. 19.40 «Муסיқа жавони». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Вилоят театрларида». Йўлдош Охунбоев номидаги Андижон муסיқий театрининг премьераси. 22.50 «Кўшқопқон». Бадий фильм. 2-серия.

ва ҳаёт». 12.15 «Ватанпарвар». Олмонияда йигитлик бурчини ўтаётган ўзбекистонлик аскарлар ҳақида. 13.15 «Мулоҳаза». Адабиёт ва маънавият. 18.00 «Ер истаб». Муסיқий лавҳа. 18.10 «Ешлик» студияси. «Узинг эр билсанг». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Лайлақлар». «Ўзбектелефильм» премьераси. 19.30 Жаҳон спорти янгиллари. 19.40 «Муסיқа жавони». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Вилоят театрларида». Йўлдош Охунбоев номидаги Андижон муסיқий театрининг премьераси. 22.50 «Кўшқопқон». Бадий фильм. 2-серия.

УзТВ II

БИШКЕК КУРСАТАДИ

«ОРБИТА IV»

5.55 «Рўҳни чиниқтириш». 6.55 Янгилликлар. 7.35 Эрталабки гимнастика. 7.45 «Спортлото» тиражи. 8.00 «Марказ». 8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция). 9.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». 9.30 «Тонг юлдузи». 10.20 «Соло». 10.50 «Ҳарбий ревью». 11.25 «Ишқий ёшмалар» ёки «Сона билан Америка томон саҳнат». 11.50 «Қора кўркам от саргузашлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 12.15 «Марафон-15» — старт.

«КТВ-1» ва «Франс интернациональ» каналы таништиради:

13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 «Қусто командасининг сувоисти одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 14.00 Янгилликлар. 14.20 Халқ оҳанглари. 14.30 «Саёҳатчилар клуби». 15.20 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчиси». 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгилликлар. 18.00 «Донишманд». «Ленком» Москва театри фильм-спектаклининг премьераси. А. Н. Островскийнинг «Ҳар тўқисда бир айб» пьесаси асарида. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Янунлар». 21.45 «Орзулар вокзали». Юрий Башмет. 22.40 «Ғам-андухимни орқага ташлаб». Телефильм. 23.00 Янгилликлар. 23.20 Бутунсерия кинобозори. 24.00 Футбол. «Уамбли сари йўл».

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 7.45 «Амурлар ҳамиша голиб». Мультфильм. 7.55 «Формула-730». 8.25 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қураш». 8.55 «Ҳали англаманган кинот». 9.25 «Бурда модери» тасвия элади. 9.55 «Мансаб арифмоси». 10.10 Такоррий фильмлар кинотеатри. «Санников ери». Бадий фильм.

10.55—15.25
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

15.25 «Оқ қарға». 16.10 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузашлари», «Қора плашч».

17.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

19.25 Син-Би-Эс кинотеатри. «Джулия ким бўлади?». Бадий фильм (АҚШ).

21.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

10 ШАҢБА

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 «Огарёва, 6». Бадий фильм. 9.35 «Алифбо сабоқлари». 10.05 «Истиқлол фидойилари». Навоий вилояти Олтинсой давлат ҳужайлиги бош чўпони Ж. Ҳужмауродов ҳақида телеочерк. 10.20 Болалар учун. «Санъат гуналарини». 10.50 «Чорраҳа». 11.20 «Грифон» мукофотининг совриндорлари. «Ўзбектелефильм» студияси. 12.20 «Саноат одимлари». 12.50 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги намунали оркестрининг концерти. 13.30 «Бу турфа олам». 18.00 Усмирлар учун. «Уйла! Изла! Топ!» 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Оламга саёҳат». Кинокурсаути. 20.05 «Ватан меҳри». Адабий кўрсатув. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Оқшом эртақлари». 21.15 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муножот Йўлчиева куйлайди». Видеофильм премьераси. 22.15 «Кўшқопқон». Бадий фильм. 1-серия. 23.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Пахтакор». Езиб олинган.

УзТВ II

АШГАБАТ КУРСАТАДИ

«ОРБИТА IV»

5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 «Матбуот-экспресс». 6.10 Ишбилармон кишининг шаба тоғи. 6.55 Янгилликлар. 7.35 «Спорт-микроният». 8.10 «Марафон-15» — кичкинтойларга. 8.35 Шанба кунги дастхат. 9.05 «Экстрон-НУЖ». 9.35 Экологик шарҳ. 9.50 «Алвидо, фалсафа!» Телефильм. 10.25 «Веди». 11.05 Тиббиёт ҳамма учун. 11.45 «Мулкдор арифмоси». 11.55 «Қизил космос». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.25 «Ўтмишда». «Максимка». Бадий фильм. 14.00 Янгилликлар. 14.25 Союзлар уйининг Колонна залида Владияр концерти. 15.25 «Ишонч кунни». 15.35 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильм. 15 ва 16-фильмлар. 16.00 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Футбол. Ешлар командалари ўртасида жаҳон чемпионати. 16.55 «Қизил квадрат». 17.35 «Ҳайвонот оламида». 18.25 «Оба-На-Угол-шоу». 18.45 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Зулматдаги отишмалар». Бадий фильм премьераси. «Майк Хаммер» телесериалидан. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Анна Каренина». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 21.20 «Ҳеч нерса ҳақида репортаж». 21.30 «Брайн-ринг». 22.20 «Қорқиз ва етти гном». Э. Рязонов Л. Парфенов билан суҳбатлашди. 23.00 Янгилликлар. 23.40 «Люба»: янги диск, янги клип». 24.00 «Матбуот-экспресс». 00.10 «Сно-видение» тунги канали.

УзТВ II

АШГАБАТ КУРСАТАДИ

«ОРБИТА IV»

5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 «Матбуот-экспресс». 6.10 Ишбилармон кишининг шаба тоғи. 6.55 Янгилликлар. 7.35 «Спорт-микроният». 8.10 «Марафон-15» — кичкинтойларга. 8.35 Шанба кунги дастхат. 9.05 «Экстрон-НУЖ». 9.35 Экологик шарҳ. 9.50 «Алвидо, фалсафа!» Телефильм. 10.25 «Веди». 11.05 Тиббиёт ҳамма учун. 11.45 «Мулкдор арифмоси». 11.55 «Қизил космос». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.25 «Ўтмишда». «Максимка». Бадий фильм. 14.00 Янгилликлар. 14.25 Союзлар уйининг Колонна залида Владияр концерти. 15.25 «Ишонч кунни». 15.35 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильм. 15 ва 16-фильмлар. 16.00 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Футбол. Ешлар командалари ўртасида жаҳон чемпионати. 16.55 «Қизил квадрат». 17.35 «Ҳайвонот оламида». 18.25 «Оба-На-Угол-шоу». 18.45 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Зулматдаги отишмалар». Бадий фильм премьераси. «Майк Хаммер» телесериалидан. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Анна Каренина». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 21.20 «Ҳеч нерса ҳақида репортаж». 21.30 «Брайн-ринг». 22.20 «Қорқиз ва етти гном». Э. Рязонов Л. Парфенов билан суҳбатлашди. 23.00 Янгилликлар. 23.40 «Люба»: янги диск, янги клип». 24.00 «Матбуот-экспресс». 00.10 «Сно-видение» тунги канали.

УзТВ II

БИШКЕК КУРСАТАДИ

«ОРБИТА IV»

5.00 Янгилликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Джем». 8.50 Болалар учун фильм. «Зангори патруль». 9.55 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилликлар. 11.20 Театр шанавадалари. Сизлар учун! Ю. О'Нил «Узун кундан кейин тун». Россия Давлат академик Малый театрининг фильм-спектакли. 14.00 Янгилликлар. 14.25 «Бридж». 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Ен дафтар». 15.10 Болалар учун фильм. «Зангори патруль». 16.15 Липецк фольклор ансамблининг чиқиши. 16.30 «Иш». 17.00 Янгилликлар. 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Мақкага йўл» кўрсатувини таништиради. МДХК зияратчи репортажи. 17.50 «Инсон ва қонун». 18.15 «Вагон-03». 18.45 «Мўъжизалар майдонлари». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Ҳафтаннинг машҳур кишиси». 20.40 «Оппоқ либослар». Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.00 Катталар учун мультфильм. 22.10 «Матбуот-экспресс».

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 7.45 «Амурлар ҳамиша голиб». Мультфильм. 7.55 «Формула-730». 8.25 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қураш». 8.55 «Ҳали англаманган кинот». 9.25 «Бурда модери» тасвия элади. 9.55 «Мансаб арифмоси». 10.10 Такоррий фильмлар кинотеатри. «Санников ери». Бадий фильм.

11.40—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

15.00 «Андишаларга бормай». Оломон руқий ҳолати ҳақида фильм. 15.55 «Чегарасиз футбол». 16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00—21.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.25 «Мутлақо махфий». 22.20 «Шарман-шоу». 23.50 «К-2» таништиради. «Америка юлдузлари». 00.25 Тунги сеанс. «Чуқотка бошлиги». Бадий фильм.

9 ЖУМА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Қадрдонлар кучаси». Фильм-концерт. 7.50 Дунё хабарлари. 8.00 «Қароқчи чоллар». Бадий фильм. 9.25 «Эл хизматида». Уругт маийши хизмат уйи. 9.55 «Бутун умр давомида». Телефильм. 10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).

УзТВ II

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Нақшлар бўстони». «Ўзбектелефильм» премьераси. 18.25 «Кичкинтой» студияси. «Табиат арифмоси». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ижод саҳифалари». Олим Кўчқорбеков. 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 «Билиб кўйган яши». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Оқшом эртақлари». 21.10 Мақом куйларидан концерт. 21.40 «Инсон ва эамин». 22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Сугдиёна» (Жиззах) — «Нурафшон» (Бухоро). Езиб олинган.

УзТВ II

БИШКЕК КУРСАТАДИ

«ОРБИТА IV»

5.00 Янгилликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Джем». 8.50 Болалар учун фильм. «Зангори патруль». 9.55 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилликлар. 11.20 Театр шанавадалари. Сизлар учун! Ю. О'Нил «Узун кундан кейин тун». Россия Давлат академик Малый театрининг фильм-спектакли. 14.00 Янгилликлар. 14.25 «Бридж». 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Ен дафтар». 15.10 Болалар учун фильм. «Зангори патруль». 16.15 Липецк фольклор ансамблининг чиқиши. 16.30 «Иш». 17.00 Янгилликлар. 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Мақкага йўл» кўрсатувини таништиради. МДХК зияратчи репортажи. 17.50 «Инсон ва қонун». 18.15 «Вагон-03». 18.45 «Мўъжизалар майдонлари». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Ҳафтаннинг машҳур кишиси». 20.40 «Оппоқ либослар». Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.00 Катталар учун мультфильм. 22.10 «Матбуот-экспресс».

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 7.45 «Амурлар ҳамиша голиб». Мультфильм. 7.55 «Формула-730». 8.25 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қураш». 8.55 «Ҳали англаманган кинот». 9.25 «Бурда модери» тасвия элади. 9.55 «Мансаб арифмоси». 10.10 Такоррий фильмлар кинотеатри. «Санников ери». Бадий фильм.

11.40—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

15.00 «Андишаларга бормай». Оломон руқий ҳолати ҳақида фильм. 15.55 «Чегарасиз футбол». 16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00—21.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.25 «Мутлақо махфий». 22.20 «Шарман-шоу». 23.50 «К-2» таништиради. «Америка юлдузлари». 00.25 Тунги сеанс. «Чуқотка бошлиги». Бадий фильм.

Мария». Бадий фильм премьераси. 9.20 «Лўллар бахти». Телефильм премьераси («Иркутск-телефильм»). 10.00 «Бизнинг муסיқий клуб». 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилликлар. 11.20 «Соҳил». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.30 Мультфильмлар: «Ҳамма гап шяпада», «Сирли сайёра». 14.00 Янгилликлар. 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ен дафтар». 15.15 «КОАПП». Мультфильм. 15—17-сериялар. 15.45 «Джем». 16.15 «Клуб 700». 16.50 «Технодром». 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Здорovensки були» кўрсатувини таништиради. 17.50 «Мулкдор арифмоси». 18.05 «Оддий Мария». Бадий фильм премьераси. 18.50 «Актёрлар, актёрлар, актёрлар...» Премьерадан сўнг: мулоҳазалар, учрашувлар, тақдирлар. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 «Оппоқ либослар». Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 21.50 «ТВ-версия». 22.30 «Матбуот-экспресс». 22.40 «Атар муюлиши». Телефильм. 23.00 Янгилликлар. 23.35 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Гетеборг» (Швеция) — «Милан» (Италия).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонги концерт. 8.10 «Шов-шувсиз голиблар». 8.40 Мультфильм. 8.50 «Тилла новада». 9.20 Санкт-Петербург балети. «Фаррух Рўзиматов». Артининг ижодий портрети. 10.00 «Сафсаталар». 10.30 «Ретрошлягер». 11.00 Джаз куйларидан концерт. 11.30 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ белгиси остида». 11.45 «Жаноб безатуви». Бадий фильм. 13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.50 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 14.40 «Бизнес: янги номлар». 14.55 Янгилликлар. 15.10 «Рост» студияси. «Муסיқий синф». 2-қисм. 15.40 Трансрэфэр. «Узоқ Шарқ». 16.25 Христианлар учун кўрсатув. 17.00—21.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.25 «Кулги қироллари». 21.55 «Жонланган сувратлар». 22.40 Криминал хабарлар экранни. 22.50 Баскетбол шарҳи.

8 ПАЙШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Тилларанг ришталар жозибаси». Телефильм. 7.40 «Баъида эслаб кўй». Бадий фильм. 9.10 Дунё хабарлари. 9.20 Араб тили. 9.50 Болалар учун. «Илхом чашмалари». 10.30 Уқув кўрсатуви. Зоология. Туёқли ҳайвонлар. 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ) 18.00 Янгилликлар. 18.10 Миллий кураш бўйича халқаро турнир. 2-кўрсатув. 18.45 «Қалб садолари». «Ўзбектелефильм» премьераси. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Назорат ойнаси». 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 Чолеу куйларидан концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Оқшом эртақлари». 21.10 «Бозор иқтисодиёти босқичлари». 21.40 «Нафосат» телеойномаси. 22.40 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадий фильм. 2-серия.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Табасум». 19.00 «Шарқ лирикаси». 19.20 «Бумеранг». 20.00 «Пулус». Хабарлар. 20.15 «Бу оқшомда». 21.30 «Пулус». Хабарлар. 21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

5.00 Янгилликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилликлар. 8.20 Мультфильмлар: «Икки айқач», «Қўлга тушган мушук». 8.45 «Оддий Мария». Бадий фильм премьераси. 9.30 «Украинча гап-гаштаклар». 10.10 «...16 ёшга ва ундан катталар». 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилликлар. 11.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. 13.00 «Ибодатхонага қайтиш». 14.00 Янгилликлар. 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ен дафтар». 15.15 «Читтакнинг календари». Қиш. Баҳор. Мультфильм. 15.35 Ф. Шопен асарларидан концерт. 16.00 «Катин иши». Телефильм. 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 «...16 ёшга ва ундан катталар». 18.15 «Оддий Мария». Бадий фильм премьераси. 19.00 «Катта сайр». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. 21.10 1993 йил қўшиқлари. 22.15 «Парадиз-контейль».

7 ЧОРШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Аския». Телефильм. 8.10 Дунё хабарлари. 8.20 «Гаройиб ҳодиса». Бадий фильм. 9.25 Турк тили. 9.55 «Саховат». 10.30 Уқув кўрсатуви. Ботаника. Замбуруғлар. 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 11.30 Уқув кўрсатуви. Тарих XIX асрнинг охирилари ва XX аср бошларида Туркистон халқларининг мустамлака тартибларига қарши олиб борган курашлари. 18.00 Янгилликлар. 18.10 Миллий кураш бўйича халқаро турнир. 1-кўрсатув. 18.40 «Буюк Ипак йўли». Телефильм. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Санъат олами». 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 «Халқ ижодиёти». Катта ашула. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Оқшом эртақлари». 21.10 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов куйлайди». Видеофильм. 22.10 «Нафақа ва ижтимоий муҳофаза». Бевосита мулоқот. 23.10 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадий фильм. 1-серия.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Табасум». 19.00 «Шарқ лирикаси». 19.20 «Бумеранг». 20.00 «Пулус». Хабарлар. 20.15 «Бу оқшомда». 21.30 «Пулус». Хабарлар. 21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

5.00 Янгилликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилликлар. 8.20 Мультфильмлар: «Икки айқач», «Қўлга тушган мушук». 8.45 «Оддий Мария». Бадий фильм премьераси. 9.30 «Украинча гап-гаштаклар». 10.10 «...16 ёшга ва ундан катталар». 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилликлар. 11.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. 13.00 «Ибодатхонага қайтиш». 14.00 Янгилликлар. 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ен дафтар». 15.15 «Читтакнинг календари». Қиш. Баҳор. Мультфильм. 15.35 Ф. Шопен асарларидан концерт. 16.00 «Катин иши». Телефильм. 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 «...16 ёшга ва ундан катталар». 18.15 «Оддий Мария». Бадий фильм премьераси. 19.00 «Катта сайр». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. 21.10 1993 йил қўшиқлари. 22.15 «Парадиз-контейль».

5 ДУШАНБА

УзТВ I

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Ешлик» студияси. «Ишонч». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Рақслар гулдаси». 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 «Баҳор манзаралари». Телефильм. 20.20 «Шезрият дафтаридан». Хамид Фулом. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Оқшом эртақлари». 21.10 «Давлатнинг қудрати — қонун устворлигида». 21.40 УзТВ хазиначисида. «Назм ва наво». Атоий лирикаси. 22.20 «Четга оғиш ноль». Бадий фильм.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Болалар учун. «Совга». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.15 «Тадбиркорлар». 20.45 «Аёл борки дунёда...». 21.25 «Лаҳза». Хабарлар. 21.40 «Мудҳиш хато



БОЛА ТИЛИ БОЛДАН ШИРИН

Шаҳзода бувасига термулиб ўтириб хайронликда сўради:

— Опоқдада, оғзингизда нимага биттаям тишиз йўқ?
Буваси кулимсираб жавоб қилди:

— Одам чол бўлиб қол-

ганда-чи, қизим тишлари шунақа биттаям қолмай тушиб кетади, кейин тишсиз бўлиб қолади.

— Не, унақа бўлса менинг укам чол бўлиб туғилибди-да. Ана қаранг, буниям оғзида биттаям тиши йўқ.

* * *

Бир киши Шаҳнозадан сўраб қолди:

— Сен катта қиз бўлсан...

нингда ким бўлмоқчисан? Шаҳзода жавоб берди: — Боғча опа бўлмоқчиман.

— Вой-бўй, буни қаранлар-а! Демак, боғча опа бўволиб кичкинтойларни тарбияларкансан-да?

— Йўқ, Боғча опа бўволсам менам боғчадан ҳар хил тансиқ егуликларни сумкачамга солволиб ўйимизга олиб келаман!

Санъат МАҲМУДОВА

КУЛГИ — ШИФО

— «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» десак, маъносига кўра қандай гап бўлади? — сўради талабадан она тили фанидан имтиҳонда.

— Елғон гап бўлади, — жавоб берибди талаба.

Беш яшар Жамшиддан сўрашди:

— Айтчи, сен отангни кўпроқ яхши кўрасанми ёки онангними?

— 10 сўм берсангиз айтаман, — деди Жамшид жавобан.

* * *

— Мабодо сенга ўзга сайёраликлар учраб, ўзлари билан олиб кетмоқчи бўлишса, розилик берармидинг? — сўрабди бир йигит дўстидан.

— Мен улардан хотинимни олиб кетишларини сўраган бўлардим, — жавоб берибди у.

ана шундай белгиларда шамга ўралган ёрликда «Ёниб, ёғди бериб, ўзим адо бўламан» деган ёзув бўлган. Машҳур инглиз ҳакими Вильям Гарвейнинг кабрига ёниб турган шамга чирмашиб турган икки илон акс эттирилган хайкалча ўрнатилган.

Худди мана шу тасвири тиббиёт рамзи сифатида тарғиб қилганлардан бири XVII асрда яшаб ижод этган амстрдамлик машҳур шифокор Н. Тульп бўлган. XIX аср бошларида тиббиёт эмблемасида яна илон тасвири пайдо бўлди. Бизда ҳам чирмашиб турган илон тасвири тиббиёт рамзи сифатида қабул қилинган.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.



Изоҳни ўзингиз топинг.

САККИЗИНЧИ УРИН

Икки район мактабларида ўқитувчилик қиладиган икки кадрдон дўст, ашаддий футбол шикибозлари «Пахтакор»нинг навбатдаги ўйинида стадионда учрашиб қолди. Ўз ўринларига жойлашган, уларнинг бири гап бошлади:

— Шаҳар бўйича ўтказилган «Ўқитувчи—92» кўрик танловида бизнинг райони саккизинчи ўринни эгаллади.

— Табриклайман, азиз дўстим. Икки миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган Тошкентдек шаҳри азимда кучли ўнликка кириш, фахрли саккизинчи ўринни эгаллаш ҳазил гап эмас. Дарвоқе, кўрикда нечта ўқитувчи иштирок этди?

— Саккизта райондан, саккизта ўқитувчи.

БИЗГА ДАРС БЕРИШМАГАН

Мактаб илмий бўлим муdiri математика ўқитувчисини ўз хонасига таклиф қилиб деди:

— Мана бу расмларда исм ва фамилия ёзилмаган экан. «Таржиманий ҳол» ёзилган рамкани ўзига мос расм таъига ўрнатги учун қайси бири Улугбек, Беруний, Ал Хоразмий ва Умар Хайём эканини ажратиб бериш.

— Мен буларни энди кўришим.

— Наҳотки? Ахир математика ўқитувчиси бутун дунёга машҳур олимларни таниши керак-ку!

— Бўлса бордир, лекин булар бизга дарс беришмаган.

ТИББИЁТ РАМЗИ

ЭНГ қадимги халқлардан хисобланган юнонларда шундай бир ривоят бор: Крит оролининг шоҳи Миноснинг ўғли ўлим тўшағида ётади. Уни даволаш учун замонасининг ягона ва биринчи шифокори Асклепий таклиф этилганди.

Асклепий етиб келгунга қадар шаҳзода оламдан кўз юмади. Кечикканидан хижолат бўлган ҳақимнинг кўзи ўлиб ётган илонга тушади. Шу пайт бошқа бир илон пайдо бўлади, оғзида тишлаган гиёҳни ўлган илонга теккизади. Бениҳоя илон тирилиб, ўз йўлида равона бўлади.

Бундан сабоқ олган ҳақим вақтни кўлдан бой бермай, ўша гиёҳ билан шаҳзодани тирилтиришга муваффақ бўлади. Ана шу вақтдан бошлаб илон дошиманлик ва умрбоқийлик рамзи деб хисобланади. Асклепий юнонлар, кейинчалик римликлар томонидан илохийлаштирилган бир хайкалда у илон чирмашган асони кўлида тутгани ҳолда тасвирлаган. Эрамызга қадар VI—IV асрларда машҳур шифокорлик рамзи сифатида кенг расм бўлган. Ўрта асрлар охирига келиб эса машҳула тасвири ўрнини ёниб турган шам эгаллади. Кўпинча

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Марказ томон ўннга: 1. Мумтоз шарқ шоири Саъдий асари. 2. Овланадиган сайроқи тоғ қуши. 3. Пулатнинг қаттиқлигини ошириш учун киздириб тез совутиш усули. 4. Сершира ўрик нави. 5. Ўзбек шоири, «Тошкент ироғи» кўшигининг ғазали муаллифи. 6. Атоқли козоқ адиби, «Абай йўли» асари муаллифи. 7. Мумтоз шоир Амир Умархон даврида Кўкон шоирларига бошчилик қилган. 8. Болалар ойномаси.

Марказ томон чапга: 1. Тол новдаси пўстлоғидан тайёрланган сочпопук. 2. Юк ортилган от ва туялар тўдаси. 3. Осиё ва қисман Оврупада жойлашган мамлакат. 4. Хитойнинг ғарбдаги шаҳар. 5. Паррандаларни овлаш мосламаси тўр. 6. XIX аср ўзбек шоири, хинд масаллари тўплами, «Калила ва Димна»нинг ўзбек тилига таржимони. 7. Оммавий спорт ўйини. 8. Қаттиқ жинс, бинокорлик ашёси.


Ёйлар бўйича: 9. Урф-одағлар муносабати билан ўтказилган маърака. 10. Тошкент билан биродарлашган Африкадаги пойтахт шаҳар. 11. Ўзбекистон жанубидаги чўл. 12. Марказий Осиёдаги жумҳурият пойтахти. 13. Қозоғистоннинг жануби-шарқидаги табиий жўғрофий вилоят. 14. Таникли венгер туркушнос олими, этнограф ва саёҳчи. 15. Жамоанинг барча аъзолари амал қилиши лозим бўлган катъий қоиди. 16. Дарс машғулотини олиб борувчи мутахассис.

Энди қуйида таърифланган сўзларни топиб шакл марказидаги рақамли хонадон соат миля йўналишида ёзинг.

1. Яшаш, турмуш. 2. Сифатларда орттирма даража ҳосил қилувчи сўз. 3. Ижобий сифатга эга бўлган нарсани, ҳолат. 4. Қасб, илмни ўргатувчи муаллим.

Жавобларни тўғри ёзган бўлсангиз ўзбек халқ мақолаларидан бири ҳосил бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.



● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди.

◆ Формати А-3 ҳажми 2 босма

◆ табоқ.

◆ ● Ўзбекистон Республикаси

◆ Президенти Маҳкамаси Ишлар

◆ Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»

◆ нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТҮЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ
(бош муҳаррир муовини),
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,
Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ,
Турғунбой МАДИЕРОВ,
Турғун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Абдурасул РҲЗМАТОВ,
Саминжон СУЛТОНОВ
(вилоят муҳбири),
Мухайё ТҲЛАГАНОВА,
Шабот ХҲЖАЕВ,
Санобар ХҲЖАЕВА,



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

БҲЛИМЛАР

- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.

- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ

МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ

ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Навои — 3-59-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-95;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

- Мухарририятга келган кўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайдиган, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ:

- Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,
- Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик райони Ким Пен Хва номидаги корпорация.



- Сотувдаги нархи 10 сўм.
- ШАНБА кунлари чиқади.
- БОСИШГА 2 апрелда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Акмал Акромов,
Санъат Маҳмудова

● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

- 85.330 нусхада босилди.
- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.